

Туркистон мухторийатининг ишлари¹

Самарқанд ўбластининг халқи ва вилоят сиезди йасаб, Туркистон мухторийатиға қўшилурға қарор қилғонлар ва Хўқанд сиездида вақтинча сайланғон беш вакил ўрниға йангидин беш вакил сайлаб берганлар. Сиезд Зақаспий ўбластининг ҳам вилоят сиезди бўлиб, анда ҳам Туркистон мухторийатиға қўшилурға қарор берилган.

Хўқандда бўлғон умумий Туркистон робучийлари ила солдат ва деҳқонлар сиезди Миллат Мажлисиға ишчи солдат ва деҳқонлардин 30 киши киритурға қарор қилғон ва шунинг учун бирини овруполиларға (рус робучийларига) берган. Тездин бўлажақ крайувўй робучий, Туркистон ҳам солдат сиезди ушбу 10 вакилни сайларға таклиф йасалажақ бўлғон. Бунинг учун Хўқанд сиезди тарафидин махсус комиссия сайланғон.

Бундан бошқа сўнгги кунларда Миллат Мажлисиға биржодан бир торғуво прўмишленни сойуздин бир, украиналилардан бир, полонлардан² бир, шаҳар идоралари иттифоқидан бир ва бир нича ташкилотлардан бирар вакил қўшилғонлар. Булар жийулғондин сўнг вазирлар ҳайъатида ҳам бир қадар ўзгариш бўлғон: бош вазирликға Мустафо Чўкоеф сайланғон. Собик бош вазир Тиничбоефға дохиййа ишлари берилган. Шоҳаҳмадуф молийа нозирига ноъиб вазифасин ўта бошлаган. Самарқанддан сайланғон вакил Герсфелд (йахудий) ўрниға бошқа киши сайланғони сабабли ул молийа нозирлиғидан чиқарилғон. Молийа нозирлигига ҳозир руслардан бирор мутахасис киши сайланажақ бўлғон.

Муваққат Туркистон ҳукумати исминдин ўттиз милиун сўмлик зойум (миллий истикроз³) чиқарилғон эди. Ҳозир шунинг ўн милиун сўми копланғон. Бошлича Хўқанд бонқлари кўтарганлар.

15 февралдан Туркистон учридителини собронийасини жийарға қарор берилган. Ва бунинг учун асос қонун лойиҳаси тузулиб, Миллат Мажлиси тарафидан қабул этилган. Таржимаси ғазетамизнинг келаси нўмринда босилса керак.

Муваққат Туркистон ҳукумати Фарғона ўбластининг вилоят комисорина расмий қоғаз йубориб: “Мухторийатға итоат қиласанми, қилмасанг халқ тарафидан иккинчи киши сайланиб қўйилажақ” деб хабар этилган.

Хўқанддаги “Вайнер” (Кўқондаги босмахона) ўзининг босмахонасини мухторийат ҳукуматининг идорасиға топширғон. Обиджон афанди Маҳмудуфнинг матбааси ҳам матбаа ходимлари сойуздан муваққат ҳукумати қўлиға кўчган.

¹ "الوغ تورکستان" غزیتہ سی ۱۹۱۸ ییل ۷ غینوار (Далер Мирзаев).

² Полок – пўлшалик.

³ Миллий истикроз – давлат қарзи қимматли қоғози.